

Тошкент вилояти далаларида ўрим-йғим мавсуми нисоюсига етмоқда. Маълумки, деҳқонларимиз пешона тери эвазига етиштирилган хосилни нест-нобу дилмасдан йиғиб-териб олишида дон қабул қилиш пунктлари муҳим ўрин тутаяди.

«Тошкентдеҳқон» акциядорлик жамияти бу йил вилоятнинг Қўй Чирчиқ, Бўстонлик, Оққўрғон, Чиноз, Бўка туманлари ҳўжаликлари ва фермерлари билан 100 минг тоннага яқин дон етиштириш бўйича шартномалар имзолаган. Жумладан, етти минг тоннага яқин сифатли уруғлик дон тайёрлаш режалаштирилган. Айни пайтгача дон қабул қилиш омборларига қарийб 50 минг тонна галла топширилди.

Бу йил ҳосил ҳар йилгидан яхши бўлди, - дейди «Чиноз-дон» ҳиссадорлик жамияти раиси Жалолиддин Мадаминов. - Айни пайтгача ҳўжалик ва фермерлардан ўн беш тоннага яқин дон қабул қилиб олдик. Донни сақлаш ва қайта ишлаб ун заводларига етказиб бериш учун барча шарт-шароит яратилган.

Акциядорлик жамияти қошида «Ёшун» - Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси ташкил этилди. Энди режадан ташқари ажратилган галла шу ёрнинг ўзида қайта ишланиб, тайёр маҳсулотга айлантирилади.



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 21 июн, сешанба № 97 (1938)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Кичик бизнес субъектларини жадал ривожлантириши янада рағбатлантириш ҳамда унинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти ва улуғлиги тўғрисида шартномада:

1. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилсин.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари иловига мувофиқ белгилансин.

Ягона солиқ тўлови ҳисобот чорагаидан кейинги ойнинг 25-кунигача ҳар чоракда тўланиши белгилаб қўйилсин.

2. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб, акциз солиғи олинмайдиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловини ҳисоблаш чоғида солиққа тортилмаган база акциз солиғи суммасига қаматирилмайдиган тартиб ўрнатилсин.

3. Янги ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини бир йилга кечиктириш, кечиктирилган суммани имтиёзли давр тугагандан кейин тенг улушларда 12 ой давомида тўлаш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2005 йилнинг 1 июлигача:

ягона солиқ тўловини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ҳамда давлат мақсадида жамғармалари ўртасида тақсимлаш нормативларини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки билан биргаликда ягона солиқ тўловини ҳисоблаш, тўлаш ҳамда уни давлат бюджетига ва бюджетдан ташқари давлат мақсадида жамғармалари ўртасида тақсимлаш тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

5. Куйидагилар белгилансин:

илгари микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўлаш бўйича қонун ҳужжатларида берилган солиқ имтиёзлари ягона солиқ тўловини тўлаш чоғида амал қилади; ягона солиқ тўловини тўлайдиган микрофирма ва кичик корхоналар қонун

ҳужжатларига мувофиқ ижарага олинган ер майдонлари учун бюджетга ижара ҳақи тўлашдан озод қилинади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда уч ой муддатда «Солиқ маслаҳатчилари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин, лойиҳада тадбиркорлик субъектларини солиқ қонунчилиги соҳасида маслаҳат ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни таъминлашнинг амалий механизми кўзда тутилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2005 йил 20 июн

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-620-сонли Фармониغا илова

Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари

Тўловчилар
Сотилган товарлар (бажарилган ишлар, хизматлар) ҳажмига-нисбатан фойз ҳисобида

1. Иқтисодиёт барча тармақларининг корхоналари, 2-4-бандларда кўрсатилганлари бундан мустасно 13

2. Қўшлоқ ҳўжалиги корхоналари, ягона ер солиғини тўлайдиган қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари бундан мустасно 6

3. Юридик ва жисмоний шахсларни (жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олади-

ган, гастрол-концерт фаолияти билан шуғулланиш лицензиясига эга бўлган корхоналар 30

4. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар 50

Эслатмалар:

1. Харид, таъминлаш-сотиш корхоналарига, брокерлик фирмалари, комиссия шартномаси бўйича хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларига ягона солиқ тўлови жорий этилмайди, улар учун ягона солиқ ҳамда давлат мақсадида жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашнинг амалдаги тартиби ва белгиланган ставкалари сақлаб қолинади.

2. Лизинг компаниялари учун ставка лизинг беворичининг даромади (маржа)га нисбатан фойз ҳисобида белгиланади.

Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони биз, хунармандларни жуда қувонтирди. Сабоби, ушбу ҳужжат орқиб оворагарчиликлар, текшириш-тектиришнинг пайини қирқди. Тадбиркор ахлининг янада эркин ва ғайрат билан иш юритиши учун имкониятлар эшигини кенг очди.

Мамлакатимизда барча соҳалар каби тадбиркорлик, ишбилармонлик ва хунармандлик ривожига ҳам эътибор истиклолнинг илк йилларидан бошланган. Бундай ғамхўрликни миллий хунармандликни ривожлантириш соҳасида ҳам кўриш мумкин. Халқ амалий санъати ва миллий хунармандлик йўналишида фаолият олиб бораётган усталарнинг эркин ишлаши учун барча шароит яратиб берилган. Бунга Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган қўллаб-қувватлаш ҳужжатлар мисол бўла олади. Жумладан, 1997 йилда Президентимиз Ислам Каримовнинг «Халқ бадийи хунармандчилигини ва амалий санъатини янада ривожлантиришнинг давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида хонадон шароитида

бадийи хунармандлик ва амалий санъат буюмлари ишлаб чиқариш борасида яқка тартибда меҳнат билан банд бўлган шахслар беш йил муддатда даромад солиғи тўлашдан озод этилди. Сунг бу муддат 2008 йилгача узайтирилди. Айни пайтда ҳар йили Науруз байрами арафасида Президент соврини учун ўтказиладиган «Ташаббус» курик-танловоида тадбиркор ва ишбилармонлар каторида хунармандларнинг ҳам муваффақиятли қатнашаётгани ушбу соҳага қаратилмаётган эътиборнинг яна бир далилидир.

«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармоннинг улкан аҳамиятини белгилувчи яна бир жиҳати - шу йил 1 июндан бошлаб тадбиркорларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чора-

ларини фақат суд орқалигина қўллаш тартиби ишлаб чиқариш борасида яқка тартиб демократик мамлакатга, жамиятга хос тартиб. Тадбиркор қонун қондани буза, унга жазони суд белгиласин. Кимки тадбиркорнинг ҳуқуқини поймол қилса, у ҳам суд орқали жазосини олсин. Ушбу фармон айнан ана шуларни назарда тутгани билан бизни қувонтирди. Президентимизнинг фармони ишбилармонларнинг қонуний манфаатлари янада мустақкам ҳимояланиб, мамлакатимизда тадбиркорликнинг тағин ҳам ривож топиши ва халқимиз фаровонлигининг юксалишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиши, шубҳасиз.

Фасихиддин ДАДАМУХАМЕДОВ, Ўзбекистон халқ устаси, заргар (ЎЗА)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 20 июн куни Оқсаройда Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Фарит Мухаметшинни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон-Россия муносабатлари изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Россия раҳбарининг ўтган йили Ўзбекистонга ташрифи чоғида имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ўзаро алоқаларни янги поғонага кўтариш учун мустақкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар стратегик

шериклик тамойиллари асосида раванк топмоқда. 2004 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард 641,9 миллион долларга етди. Жорий йилнинг биринчи чоракда бу кўрсаткич 428,7 миллион долларни ташкил этди. Юртимизда Россия сармояси иштирокида тузилган 360 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 45 таси тўлалигича Россия сармояси билан ташкил этилган.

Ўзбекистон ва Россия ўртасида давлатлараро, шунингдек, минтақалараро ало-

қалар кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон вилоятлари билан Россия субъектлари ўртасида бевосита ҳамкорлик учун барча шарт-шароит яратилган.

Ўқилги-энергетика мажмуи икки томонлама иқтисодий муносабатларнинг муҳим бўғинини ташкил этади. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан Россиянинг «Лукойл» ва «Газпром» очик акционерлик жамиятлари ўртасида имзоланган келишувлар табиий газ қазиб олиш ва ташини, янги нефт-газ қонларини тадқиқ этиш ва ўзлаштиришни кўзда тутади. Келишувга биноан, бу мақсадлар учун Ўзбекистонга жами 2,5 миллиард

АҚШ долларини миқдориди сармоя киритилади.

«ЎзДЭУавто»нинг Россия бозоридидаги ўрни кенгайиб бораётгани ҳам диққатга сазовордир. Мазкур қўшма корхона маҳсулотлари Россияда энг кўп сотилаётган хориз автомобиллари орасида биринчи ўринда туради. Шунингдек, «СамКочавто» автотубсуларини Россияга етказиб бериш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида ижтимоий-маданий ҳамкорлик ҳам жадал ривожланмоқда. Турли соҳа вакилларининг илмий-амалий симпозиум, конференция ва семинарлари ташкил этилмоқда. Маданият ва санъат ар-бобларининг учрашувлари

ўтказилмоқда. Театрларнинг гастроллари, расмларнинг кўргазмалари уюштирилмоқда. Ижтимоий соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг комплекс дастури ишлаб чиқилмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда ҳамкорликнинг ҳозирги кўлами ўзаро алоқаларни ривожлантириш борасида Ўзбекистон ва Россиянинг истақ ва мақсадлари муштарак эканлигининг ёрқин тасдиғи сифатида эътироф этилди.

Фарит Мухаметшин Ислам Каримовга Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистон Республикаси Президентига мактубини топширди ва самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

(ЎЗА)



«САЛОМАТЛИК» ПОЕЗДИ САФАРДАН ҚАЙТДИ

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компаниясининг «Саломатлик» тиббий санитар ёрдам поезди темирйўлчилар ҳузуринда бўлиб қайтди. «Деҳқонбод-Бойсун» янги линиясида ишлаётган йўлсозлар шифокорларнинг тиббий

кўригидан ўтишди.

Кардиолог, терапевт, хирург, стоматолог, кўз касалликлари, рентген, ЭКГ бўйича 600 нафардан зиёд темирйўлчиларга беш кун давоимида тиббий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, маҳаллий аҳоли ҳам ши-

фокорлар хизматидан баҳраманд бўлишди.

Суратларда: «Саломатлик» поезди шифокорлари.

Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар

Президент таширидан сўнг

БУГУНГИ ҲАЁТ, ЭРТАНГИ КУНГА

Халқимиз катта ишонч билан қарамоқда

Президентимизнинг «Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарориде таъкидланганидек, бугунги кунда халқимиз буюк истиклол моҳияти ва аҳамиятини, аввало ўз-ўзимизни англаш, биз кимларнинг, қандай буюк сотларнинг авлоди эканлигини чуқур надрок этиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида яшаш, истиклол ҳолияларни қордошларимиз, хусусан, ёш авлод қалби ва онига янада тереин синдириш демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишининг энг асосий ва муҳим шартини, миллий тараққийнинг қадолати сифатида қабул қилаётгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Олтмишинчи ва етмишинчи йилларда Қарши чўлини ўзлаштириш учун қўллаб-қувватлаш ва элат вакиллари диёримизга келди-лар. Янги Нишон шаҳрида яшовчи Сергей Халанский ўз тақдирини Қашқадарь билан боғлади, асрий чўлу биёбонларга сув чиқариш, беповён кенгликларда янги шаҳар ва қўрғонлар барпо этишда жонбозлик кўрсатди.

Қарийб ярим асрдан бери ўзбек диёрини умргузaronлик қилмоқдаман. Ўзбекистон менинг ҳақиқий Ватаним, ҳоким шу заминда қолишни истайман. Бир гуруҳ ақидасларнинг Андижондаги қўруручилик ҳаракати қаҳр-ғазабимни ошириб юборди.

Таллимаржон шаҳрида яшовчи иккинчи ҳақон уруши факрийлари Гўлсум Ми-наханова, Усмон Саидов, эски нишонлик 93 ёшли Шароф бобо Носировлар жанговар ҳаёт йўлини босиб ўтишган. Табаррук қариялар ёшлар билан учрашувларда уларни доимо сергаз ва оғоҳ бўлишга, боболардан мерос муқаддас заминини, жаннатмақон юртимизни кўз қорачиқдек асрашга даъват этишмоқда.

Юртосойишталлиги, кўнгулларини шодмонлигини қўрғилмаган манкуртлар Оллоҳнинг ғазабига учрайди, - дейди аққабоблик иккинчи ҳақон уруши қатнашчиси, Қарол бобо Маҳмудов. - Фарзандларимга айтмоқ-

чиман: қалбимизда Ватан иши жўш урса, одил ва оқил Президентимиз атрофида маҳкам жиплашсак, Парвардигор бизни ҳар қандай бало-қазолардан сақлайди.

Савоб ишини ҳар ким, ҳар кун қилиши керак, дейдилар. Кам таъминланган оила-лар, етим-есирлар ва ногиронларни доимо қўллаб-қувватлаб келаётган Қарол бобо яна бир ҳиммат кўрсатди. Ту-мандаги «Шошилинч тиббий ёрдам» марказига ўз шахсий жамғармасидан 100 минг сўм мблаг тақдим этди.

Президентимиз Ислам Каримов 16-17 июн кунлари иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида Сурхондарь ва Қашқадарь вилоятларида бўлди. Ўтказилган учрашувлар жўшун меҳнат билан машғул бўлган воҳа ахлининг куч-ғайратини ошириб, янги зарфарларга илҳомлантириб юборди.

Ер ҳақиқий эгасига фопширилганини турмуш фаровонлигини ахшилашга олиб келди, - дейди биз билан суҳбатда Қарши тумани сергаз ва оғоҳ бўлишга, боболардан мерос муқаддас заминини, жаннатмақон юртимизни кўз қорачиқдек асрашга даъват этишмоқда.

Юртбошимиз «Бешкент» ширкат ҳўжалигининг Қовмиқдан Расуллов бошлиқ бригадаси деҳқонлари билан уч-

рашганлари жомеа аъзоларининг меҳнат кўтаринкилигини янада кўчатириб, ислохотлар инсон манфаатларига хизмат қилаётганлигини яна бир бор намойиш қилди.

Дарҳақиқат, буюк истиклол туғайли Қашқадарь улкан бунёдкорлик майдонига айлан-ди. Қайси бир жабҳага боқманг воҳада ўзгача кўтаринкилик ва яратувчанликнинг гувоҳи бўласиз. Қадимий ва ҳаммаша навқирон Қарши шаҳри 2700 йиллик юбилейига тайёргарлик кўраётини. Лойиҳа қиймати 6 миллиард 103 миллион сўмлик Олимпиа заҳиралари коллежи, қарийб 1 миллиард сўмлик йирик сувиш ҳавзаси қад кўтармоқда. 10 дан ортиқ тарихий обидлар таъмирдан чиқарилаётини. Шарқона бозор қурилаяпти. «Шўртангазим» мажмуи, Қўқумалоқдаги, Шўртандаги газ компрессор станциялари, Шахрисабздаги «Оқсарой» тўқимачи ЛТД» қўшма корхонаси, Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли каби гига-бунот иншоотлар ватанимиз буюк қолажасига хизмат қила-ди.

«Маънавият ва маърифат» маркази маъсул котиби Мамадулло Ражабов, ёзувчилар уюмчаси вилоят бўлими раҳбари, иқтидорли шоир Исмомил Тўхтамышов, Таллимаржон ГРОС қурилиш бошқармаси бошлиғи Абдурашул Бозоров, қаратэ бўйича Осиев чемпионни София Каспалотова ва, Миришкор туманидаги «Жейнов» ширкат ҳўжалиғи раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Муродулла Саидов, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти талабаси Ибраҳим Исмомов сингари юзлаб фидойилар билан суҳбатлашганимизда, воҳа меҳнатқашлари, кескаю ёш мамлакатимиз ҳукумати ва Президентимиз раҳбарлигинда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни яқдиллик билан қўллаб-қувватлашларини, бутун куч-ғайратларини Ватан

манфаати йўлида сафарбар аэтажақларини изҳор қилди-лар.

«Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққийёт йўли бор», «Терроризм ва диний экстремизмга йўл йўқ», Бу сўзлар гачилар шаҳри Му-борак, қадимий ва ҳаммаша навқирон Шахрисабз, чўлу-қарлар улқаси Миришкор, фидойи деҳқонлар маскани Касби, Қарши, Яққабоб, Гу-зор, Чироқчи, Қамашни, Ко-сон, Деҳқонбод, Нишон туманлари меҳнат ахлининг қалб даъватига айланган. Нишондаги «Хўжаёр ота», «Налларол» каби фермер ҳўжалиқларининг деҳқонлари галла сотиш режаларини ошириб адо этиб, ҳосилдорлигини гектар бошига 60-80 центнерга етказдилар.

Президентимизнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» номили китобида баён этилган вазибалар қишлоқ ва маҳалла, мактаблар ва ўқув юртларида кенг тарғиб қилин-моқда.

«Осмонга минглаб тинчлик қабулларни парвоз қилади. Таллимаржон, Пачкамар, Чимқўрғон сунъий денгизларидан чағалайлар самога қанот ёзади. Галлазорларда комбайнлар наъраси бир зум тинмайди. 700 минг тонналик дон, 500 минг тонналик «оқ олтин» хирмонини бунёд этиш учун қурш авж паллага кирган. Саноат қорхоналарида, қурилиш ҳавозларида меҳнат жўшқинлиғи ҳукмирон. Қолажасимиз ворислари Ватан, тинчлик, адуслик, буюк истиклол ҳақидаги қўшқиларни қўламақдодлар. Бахтиёр гўдақларнинг тонгдек бебугор кулгуси, бир қўл билан бешиқини, бир қўл билан дунёни тортаган оналар алдаси баралла янгармоқда. Изланиш ва бунёдкорлик давом этимоқда.

И.ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири

МУЛК ЭГАСИ

Бозор - кўнги чигалини ёзар, деб бежиз айтишмаган. Ҳақиқатан бозорнинг хосияти кўп. Гоҳ йиллаб кўришмаган кадрдонинг билан учрашиб қолсан. Кун охирида "Чорсу" бозоридан чиқаётиб, Чустнинг Камарсада қишлоғида яшовчи тadbиркор Мўминжон ота Бокиев билан юзма-юз келиб қолдик...

Сухбат мавзуси айланиб ўтмишга тақалди. Отаҳоннинг ҳикоя қилишларича, унинг падари бузруквор Мулла Боқи Камарсада қишлоғида ўзига тўқ, маълум даражада сувига, от-уловига эга бўлган савдогар саналган. Унинг ерларида, чорвасида 50-60 одам меҳнат қилиб рўзгор тебратган.

Ўқинглар, қандай йўл билан бўлмасин, билим олинглар, дея насихат қиларди падари бузрукворимиз бировлар орқали юборган ўз мактубларида, - эслайди Мўминжон ота.

Ота насихатини дилга жо қилган тўрт фарзанд ўз олдидиларига ўқимишли бўлишни, билим олишни бош мақсад қилиб қўйдилар. Лекин, юқорида таъкидлаганимиздек, уларнинг бу орзулари осонликча амалга ошмади. "Душман синф вакили" боласи сифатида дастлаб катта фарзанд Одилни мактабга қабул қилишмади. Аммо бола бундан ортга чекинмади. Муаллимга кўринмайдиган орқа тарафдаги иккинчи даража орқали дарс тинглай бошлади. Шу тариқа 8 йил кўчада туриб даража орқали дарс "ўқиди". Ичкарида ўтирганлардан кўра "аълочи" бўлди. Барибир, имтиҳонларни "аъло"га топширса ҳам ҳужжат беришмади. Бой боласига мумкин эмас, дейишди.

Истиқлол ҳақиқатини, адолатни юзага чиқарди, - дея гапира давом этади Мўминжон ота. - Мақтанишга йўймасангиз айтаман, тadbиркорлик, ишбилармонлик қонимизда бор шекилли, ҳукуматимиз шу соҳага йўл очиб бергани ҳамон ҳаракатни бошладик. "Ал-боис" ва "Таъминотчи" масъулияти чекланган жамиятларни ташкил этдик. Хозирча тармоқларимизда док, сочиқ сингари турмушда асосатидан маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Сутини қайта ишлаш цехимиз ишлаб турибди. Тумандаги аксарият тўйлар бизнинг "Ал-боис" жамиятимизнинг тантаналар залида ўтказилмоқда. Дориҳона ва бир неча савдо дўконларимиз доимо кишилар билан гавжум. Бугунги кунда 40 ходим биздан ойлик иш ҳақи олиб рўзгор тебратмоқда. Ўғилларим Фозилжон, Обиджон, Собитжон, Дилшодбеклар мулк эгалари. Бизда ҳеч ким тиним билмайди. "Харакатда баракат", деганларидек даромад ҳам шунга яраша, бири доктор, қолгани яна бошқа ишда. Оиламизда бекорчининг ўзи йўқ. 14 нафар набиранинг катталари ҳам ўқидан сўнг иш билан банд. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш ниятларимиз ҳам йўқ эмас.


Ўзимни қизитирган сўнгги саволни бердим.

- Сиз ҳам ўқиганмисиз?

- Дастлаб акам сингари мени ҳам мактабга олишда тийхирлик қилишди. Хайтовур, кейин ишлари бўлмади қолди. Ўқидим, мактабни битиргач, ўқини давом эттирдим. Олий маълумот олдим. Курувчи-муҳандисман. 47 йил курувчилик қилдим, - Ота гапининг охирида қулиб қўшиб қўйди. - Қишлоқда кўплар мени "бой ота" деб чақиршади. Мен бундан ранжимайман. Зеро, бой бўлишга етказганига шўкрона келтирмаман.

Қалбимда ширин хислар жўш уради. Кошки, ҳамма Мўминжон ота сингари ўйласа, унинг фарзандлари каби тadbиркор бўлса.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
"Ишонч" мухбири



Аммо қишлоқ кексаларининг айтишларича, Мулла Боқи бирон кишига, бирон марта бойлигини, мол-мулкни пеша қилмаган. Ёрдам сўраб келган одамгаки, имкон даражасида кўмак кўрсатган, қўллаб-қувватлаган. Шу билан бир қаторда Мулла Боқи анчагина ўқимишли бўлиб, унинг уйда ҳар кеча газалхонликлар уюштирилган, Навоий, Бедил, Ғоли, Аҳмад Яссавий китоблари муроала қилинган.

Маълумки, Шўро тузуми тарафдорларга ўқимишли, ишбилармон кишилар, жумладан, Мулла Боқи савдогарнинг, ҳатто, тоғларга яқин майдонларда ҳам мўл ҳосил етиштириб қилинган қишлоқда, Қарабосиқчи, минглаб ишбилармон, ўқимишли, билимдон кишилар қатори у ҳам меҳнатқашни "эъравоиллик" билан ўз мулкида "ишлатганлиги" учун бор мол-мулк мусодара қилинганга етмагандек, "тузумга қарши элемент" деб эълон қилинди. Бинобарин, қамоққа олинишни сезиб тунда қишлоқдан бош олиб чиқиб кетди. Аммо қаерда бўлмасин, кимнинг қўлида ишлармасин, оиласидан, фарзандларидан хабардор бўлиб борди, топган-тутганини турли йўллар билан уларга жўнатиб турди ва шу тариқа олисгарда, Чустнинг бир сикми тупроғига зор бўлиб дунёдан ўтиб кетди.

Бойнинг фарзандлари уйларида қувилганликлар етмагандек, "зарарқунанда элемент боласи" сифатида мактабга ҳам қабул қилинмадилар.

Мирзачўл туманидаги «Ўзбекистон» агрохизмат маркази ҳудудида 54 та фермер хўжалиги бўлиб, улар ихтиёрига 2300 гектар ер майдони ажратилган. Фермер хўжалиқлари далаларида ғўза баравж ривожланмоқда. «Соврук», «Абдуқодир ота» каби фермер хўжалиқларида иш, айниқса намунали ташкил қилинган.

Суратларда: Фермер Шодмон Турсунов ишчилар билан ўзаро суҳбатлашапти.

Б.НОРҚУЛОВ
олган суратлар



Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури – амалда

БУГУННИНГ ЁШЛАРИ

танлаб ҳунар ўрганишмоқда

Яқинда Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган «Баркамол авлод-2005» спартакиадасида Бекобод тумани маънавий хизмат касб-ҳунар коллежи талабаларидан 4 нафарнинг номи иштирокчи сифатида эълон қилинди.

Коллежда ҳозирги кунда 881 нафар талаба билим олмақда. Шулардан 343 нафари ўзлари танлаган касб эгаси бўлиб, ҳаётга йўлланма олиш арафасида турибдилар. Улар тикувчи-чевар, радиотехника ускуналари устаси, хисобчи, ЭХМ оператори, автотранспорт таъмирлаш ва электр ускуналарини созлаш касблари бўйича жамураликларга хизмат кўрсатадилар.

37 та гуруҳга бўлинган талабаларга 67 нафар фан ва ҳунар ўқитувчилари касб сирларини ўргатишмоқдалар. Талабаларнинг асосий қисми қишлоқ ёшлари бўлиб, билим олишлари касб сирларини ўрганишга чанқоқдилар. «Замона ёшлари» танловига коллежнинг «Истиқлол юлдузлари» гуруҳи вилоятда иккинчи ўринни олишга муваффақ бўлди. Фан олимпиадасида эса 3-босқич талабаси Комила Ваҳобова рус тили фани бўйича вилоятда биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичида қатнаш ҳуқуқини қўлга киритди. Махлиб Бердиева иккинчи ўринни эгаллади.

Ушбу ўқув даргоҳи ўтган йили биринчи қалдирғочларига ҳаётга йўлланма берди. Туман меҳнат бўлими билан тузилган шартнома асосида 2003-2004 ўқув йилидаги биринчи битирувчилар иш билан таъминландилар. Бу йилги битирувчилар учун ҳам меҳнат бўлими билан шартнома имзоланган.

Ўқитувчилар ва хизмат соҳаси ходимлари ҳам бирга ҳисобланганда, - деди касба уюшма ташкилотининг раиси Йўлдош Дадажонов, - 117 нафар кишини рўйхатга олганмиз. Шу билан бирга талабалар ўртасида кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини ҳам қўриб қолганмиз.

Ушбу ўқув даргоҳи ўтган йили биринчи қалдирғочларига ҳаётга йўлланма берди. Туман меҳнат бўлими билан тузилган шартнома асосида 2003-2004 ўқув йилидаги биринчи битирувчилар иш билан таъминландилар. Бу йилги битирувчилар учун ҳам меҳнат бўлими билан шартнома имзоланган.

ни ҳам аниқладик. Рўйхатга олинган 25 та оила фарзандларига имкон даражасида моддий ёрдам бериб келаямиз. Жумладан, 8-март Хотинқизлар, Наврўз байрамларида бундай тadbиркорлик амалга оширилди. Яқинда туманимиздаги «Янги ҳаёт» ширкат хўжалиги вакиллари бугун жамоамизни катта дастурхонга таклиф этдилар.

Ўқитувчиларнинг саломатлигини муҳофаза этиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Улардан икки нафари - Шокиржон Бўрибоев ва Йўлдош Дадажоновлар «Ботаника» санаторийсида даволаниб қайтишди.

Жамоада тўй қилувчилар бўлса, ҳамкасблар қимматбахо совға билан ташриф буюрадилар. Агарда кимдир касалхонада даволанса, унга бир ойлик маоши миқдорини моддий ёрдам кўрсатилади.

Ўзининг тўртинчи ўқув йилини яқунлаётган коллеж замонавий услубда қурилган ўқув биноси ва қўлайликларга эга бўлган ётоқхонасини кўз-кўз қилиб, туман марказига кўрк бағишладилар. Ҳаётга йўлланма олаётган ёшларнинг қадимлари шаҳамд, кўзларида қувонч парломқоқда.

Т.ХАЙДАРОВ,
«Ишонч» мухбири

Жамоада тўй қилувчилар бўлса, ҳамкасблар қимматбахо совға билан ташриф буюрадилар. Агарда кимдир касалхонада даволанса, унга бир ойлик маоши миқдорини моддий ёрдам кўрсатилади.

Ўзининг тўртинчи ўқув йилини яқунлаётган коллеж замонавий услубда қурилган ўқув биноси ва қўлайликларга эга бўлган ётоқхонасини кўз-кўз қилиб, туман марказига кўрк бағишладилар. Ҳаётга йўлланма олаётган ёшларнинг қадимлари шаҳамд, кўзларида қувонч парломқоқда.

Т.ХАЙДАРОВ,
«Ишонч» мухбири

Т.ХАЙДАРОВ,
«Ишонч» мухбири

КУЗАТИШЛАР КЎРСАТАДИКИ...

Бугун жамоа шартномалари ҳақида жуда кўп гапирилмоқда. Бу шундай ҳужжатки, унинг ҳар бир банди белгилаган муддатда сифатли ва тўла бажарилиши ҳамда жамоада ишлаётган ҳар бир ходимнинг манфаатига хизмат қилиши керак. Ходимнинг меҳнати муҳофаза қилиш долзарб масала саналади. Шу боис жамоа шартномаларига у алоҳида бўлим бўлиб киритилиши табиий ҳол.

Холис фикр

Мамлакатимиз миқёсида меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги бўйича жамоа шартномалари бандлари бажарилиши учун ҳар бир ходимга йилга ўртача 10 минг сўмдан ортқ маблағ сарфланаётган бир пайтда вилоятимизда бу кўрсаткич бир мунча паст бўлиб қолмоқда.

Ҳўш, нега шундай? Кузатишлар шунки кўрсатмоқдаки, жамоа шартномаси иловасида кўрсатилган маблағнинг маъмурий томонидан ўз вақтида ажратилмаслиги, касба уюшмаси эса оддий бир қузатувчи бўлиб қолаётгани, қолаверса мурасосозлиги бунга асосий сабаб бўлиб қолаётган.

Корхонамиз касба уюшма ташкилоти 923 нафар аъзони ўз сафига бирлаштирган. Жамоа шартномасининг техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимида таъкидлангандек, ишчи хавфсиз ишлаши учун маъмуриятга жамоа шартномаси тузганда иш шартини тафтиш қилиб, у билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларни, касал бўлган кишини нима сабабдан касал бўлганини аниқлаб, чора-тадбирлар қўриқилмоқда. Бу ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш мақсадлари учун йил давомида 10 миллион сўмдан ортқ маблағ сарфланди. Зарарли ишда ишловчилар сўт-катик, махсус кийим-бош, шахсий химёя воситалари билан таъминланди. Бунинг натижаси ўлароқ ишлаб чиқариш режалари бажарилиб, иккисоғий кўрсаткичлар яшилди.

Муваффақият замирида маъмурийат билан касба уюшма ҳамкорлиги асосий омил бўлиб хизмат қилаётган. Замонавий раҳбар қўли касба уюшма бўлишидан манфаатдор эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

С.БОБОЖОНОВ,
«Жиззахга» ҳудудий газ таъминоти корхонаси касба уюшма кўмитаси раиси

РИЗАМАТ ОТАДАН ЭСДАЛИК БУ БОҒЛАР

Бундан қирк йил муқаддам ўзбек дёнрининг махшур бобони, раҳматли Ризамат ота Мусаммухаммедов Нукус туманидаги ҳозирги «Ўрнак» хўжалиғида бўлиб, 5 гектарлик майдонда олмасор боғ яратишга бош қўшган эди. Хайрли ишлар, яхши амоллар умрбод унутилмайди. Нукусликлар кекса зироатчи томонидан бунёд этилган серфайз боғларни ҳамон эслайдилар.

Мустикалик йилларида экологик мўътадилликни сақлаш мақсадида Нукус шаҳри ва барча туманларда кенг қўламли кўламли амалга оширилди. Қорақалпоғистон пойтахтининг яқинида жойлашган ширкат хўжалиғида 10 гектар майдонга мевали дарахтлар ўтказилиб, барҳам 278 гектарга етказилди.

Катта ҳаёт йўлини босиб ўтган, ўзининг савобли ишлари билан юртдошлари хўрматини қозонган ёшунини нафақат Қорақалпоғистонда, балки бутун мамлакатда яхши билишди.

Кекса деҳқон раҳбарлик қилаётган «Саховат» фермер хўжалиги жамоаси 30 гектарлик боғ барпо этиб, унда етиш-



Гулистон шаҳри кун сайин чирой очмоқда. М.КАРИМОВ олган сурат

Жамоа шартномаларининг меҳнатқашларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан химоялашдаги аҳамияти нихоятда бекиёслиги ҳақида қайта-қайта таъкидланмоқда. Лекин бу ўта муҳим ҳужжатни кенг меҳнатқашлар иштирокида маромига етказиб тайёрлаш, ижросини назорат қилиб бориш ҳам муҳим вазифалардан. Унинг яқинини кўриб чиқиш мақсад мазкур ҳужжатда йўл қўйилган ҳатоларни тақоррамаслик ва уни янада мукамаллаштириш имконини берди.

Яқинда Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал маънавий хизмат ходимлари касба уюшмаси Марказий Кенгашининг раёсат мажлисида 2004 йилга тузилган жамоа шартномаларининг қандай бажарилишига масаласи муҳокама этилди. Тармоқ меҳнатқашларини ижтимоий химоялаш, уларга қўшимча имтиёзлар яратиш мақсадида ўтган йили қабул қилинган жамоа шартномаларига корхона шартномаларига қандай бажарилишига масаласи муҳокама этилди. Тармоқ меҳнатқашларини ижтимоий химоялаш, уларга қўшимча имтиёзлар яратиш мақсадида ўтган йили қабул қилинган жамоа шартномаларига корхона шартномаларига қандай бажарилишига масаласи муҳокама этилди.

Узайтирилган таътиллари 1033 та корхонада ўрнатилди, бу имтиёздан қўллаб меҳнатқашлар фойдаланиши. Ишчи-хизматчиларнинг иш жойларини яхшилаш мақсадида 15 миңдан зиёд иш ўринлари аттестациядан ўтказилди.

Лекин, афсуски, бу ўта муҳим вазифа айрим жойларда эътибор қаратилмапти. Бир қатор вилоятларда иш беришчи ҳамда бошланғич касба уюшма ташкилотларининг эътиборсизлиги натижасида жамоа шартномаларининг тўлақонли бажарилиши эътибордан четда қолди. Бу тармоқ касба уюшма ташкилотларининг асосий эътибори уларда белги-ланган ана шу мажбуриятларнинг бажарилишига қаратилди.

Масалан, ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини иш беришчи томонидан бекор қилишдан олдин касба уюшма ташкилотининг розилигини олиш талаби 1189 та корхонада тadbик этилди.

Оролбўйдан мактублар

Боғ ва тоқорлар 153 та ижарачига шартнома асосида 10 йил муддатга ажратиб берилди. Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон вилоятларидан олма, ўрик, гилос, нок каби ниҳоллар келтириб, экилди.

Мева ва узум етиштиришга ихтисослашган Мирзамурод Қалжонов бошлиқ «Науша» фермер хўжалиги Кўнирот, Қоғалли, Нукус туманларига кўчат етказиб бериб, ҳар сотих майдондан каттагина даромад олаётди. Миришкорлар баҳорда хўжалиқларга 100 минг тулға яқин мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари, тоқ кўчатлари етказиб беришди. Айни пайтда М.Аминов, Н.Туржоновна, Ш.Қосимов каби ижарачилар, «Синговуль», «Ота ўғли» фермер хўжалиқларида мевазор боғлар янаша турибди.

Оролбўйда умрбоқий боғлар яратётган танти, фидойи инсонлардан бири Ўзбекистон Қаҳрамони Алланиёз Утениё-

тирилган мева-чеваларни кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар ва ногиронларга текинга тарқатмоқда. Ёрдамга муҳтож қариялардан 36 нафарига турар-жой қуриб берган. Олис овулларда болалар боғчаси, мактаб, тиббий пункт, кутубхоналар қурилишига ҳомийлик қилган. Ўтган йиллар давомида 164 нафар фуқаронинг уй-жой шартини яхшилашга кўмаклашган.

Республиканинг Бериуни, Эликқалъа, Амударё, Тўртқўл, Нукус туманларида яратилган мевазор боғларни кўриб, кўзингиз қувонади. Хайр-саховатли ишларини амалга ошириб, одамлар қалбига меҳр муруват уруғини қаётган, болдан таъмили мевалар етиштираётган боғбонлар ҳимматида қорақалпоғистонликлар мамнун.

Х.АЛИЕВ,
боғбон

Касаба уюшма тадбири

Вазирлар Маҳкамасининг «Ходимларга уларнинг меҳнат вазибаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши тўғрисидаги қароридан агар ишчи меҳнат вазибаларини бажариш чоғида жароҳатланса ёки саломатлигига путур етса, етказилган зарарни тўлаш қоидалари кўрсатиб ўтилган.

КУН ТАРТИБИДА МЕХНАТ МУХОФАЗАСИ

Шу боис, Ўзбекистон ёқилғи-энергетика мажмуи, геология ва кимё санюати ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши томонидан меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Чунки, тармоқ ходимларининг фаолияти эҳтиёткорликни, меҳнат муҳофазаси бора-сида барча амалдаги меъёрларга риоя этишни таъжоз этиди. Бу эса иш бевуричлар ҳамда касаба уюшмалари зиммасига бир қатор масъулиятли вазибаларни юклайди. Жойларда меҳнатни муҳофазаси эшитиш бундан ташқари меҳнатни кучайтириш, амалдаги қоида меъёрларга қўра ўқув семинарлар ташкил этиш каби тадбирлар шулар жумласидандир.

ришда жароҳатларнинг олдини олиш ва бу ишда касаба уюшмаларининг роли ҳақида алоҳида тўхталди. Бу борадаги муаммоларни биргаликда ҳал этиш ва ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

«Ўзбекнефтгаз» МХК тармоқларида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик даражасини ошириш даражасида бўлиб ўтган «Касаба уюшма органларининг ишлаб чиқаришда хавфсизликни таъминлаш, соғлом меҳнат шароитларини яратиш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш борасидаги вазибаларни мавзусидаги Республика семинари-кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш томонидан ўтказилган тадбирда тармоқнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги вакилликларни масъул ходимлари, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Давэнегрозорат» кўмитаси, «Ўзкимёсанот» ДАК, «Давлат геология ўқимаси», «Шўртаннефтгаз», «Навои-азот», «Кўмир» ХЖ, «Бухоро нефтни қайта ишлаш» корхонасининг меҳнат муҳофазаси бўйича етакчи ходимлари иштирок этиди.



Давра суҳбати тарзида ўтган очиқ мулоқотда тармоқдаги долзарб вазибалар муҳокама этилди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири билан ҳамда етакчи мутахассислари ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

Тармоқ Марказий Кенгаши ҳуқуқшуноси А.Алимухамедовнинг «Қорхона ва ташкилотларда ходимларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш» мавзусидаги маърузаси кўпчиликка манзур бўлди.

Тадбирда соҳанинг йирик корхоналари касаба уюшма кўмиталари раислари ҳамда етакчи мутахассислари ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

А.ЮНУСОВ, «Ишонч» мухбири



Зокир Бакиров олган суратлар

ДАРОМАД СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР

Саволингизга «VENZOD-KAFOLAT» адвокатлик фирмаси директори, адвокат Муҳаммад Абдуллаев жавоб беради

САВОЛ: жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи бўйича имтиёзлар ҳақида батафсил маълумот берсангиз?

Р.УМАРОВ, Нукус шаҳри

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқлар ва йиғимлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланади ва бекор қилинади. Солиқ кодексига назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Шунингдек, солиқлар ва йиғимлар бўйича имтиёзлар ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ёки у ваколат берган давлат органи томонидан белгиланади.

Ушбу имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 58-моддасида белгиланган бўлиб, жисмоний шахсларнинг қуйида қайд этилган даромадлари, уларнинг солиқ солинадиган даромадлари қаторига киритилмаслиги кўрсатилган:

а) меҳнат шартномаси бекор қилинганда тўланадиган, энг кам иш ҳақининг ўн икки бараварига миқдори доирасидаги ишдан бўшатиш нафақаси, давлат ижтимоий сугуртаси ва давлат ижтимоий таъминоти бўйича нафақалар, ишсизлик нафақалари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари (вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, шу жумладан оиланинг бемор аъзосини парвартириш нафақалари бундан мустасно), шунингдек хайрия ва экология жамғармалари маблағларидан фуқароларга пул ва натура шаклида берилмаган нафақалар ва бошқа ёрдам турлари;

б) олинмаган алиментлар; в) олий ўқув юртли ва ўрта махсус ҳамда хунар-техника ўқув юртли ҳамда улар базасида ташкил этилган бизнес мактаблари, шу жумладан олий ва ўрта дуний ўқув юртли томонидан ўз талабаларига ва ўқувчиларига тайинланадиган стипендиялар, шунингдек ушбу модданинг «а» қисми бандида кўрсатилган жамғармаларнинг маблағларидан таъсис этиладиган стипендиялар;

д) давлат пенсиялари, шунингдек уларга устамалар;

е) шахслар қон топишганлик учун, доирлиқнинг бошқа турлари учун, олаш сўти топишганлик учун оладиган суммалар, шунингдек тебиёт муассасаларининг ходимлари қон йиғиб топишганликлари учун оладиган суммалар;

ж) майиб бўлиш ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши билан боғлиқ ҳолда, шунингдек бокучисининг вафот этганлиги муносабати билан қўрилган зарарни қоплаш юзасидан олинмаган суммалар;

з) фуқароларнинг хорижда ишлашга юборилиши муносабати билан давлат бюджетидан молиялаштирилмаган муассасалар ва ташкилотлардан чет эл валютасида оладиган иш ҳақи суммалари ва бошқа суммалар, қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида;

и) жисмоний шахсларнинг хусусий мулк ҳуқуқи асосида ўзларига қарашли бўлган мол-мулкни сотиш натижасида оладиган суммалари, тадбиркорлик фаолияти доирасида мол-мулк сотишдан олинган даромадлар бундан мустасно;

к) шахсларнинг шахсий ёрдамчи ҳўжалиқда етиштирган қорамол, қуён, нутрия, балиқ, паррандаларни ҳам тирик ҳолатда, ҳам уларни сўйиб махсулот-

ларини хом ва қайта ишланган ҳолда, шунингдек асаларчилик махсулотларини ва бундай ҳўжалиқда етиштирилган табиий ёки қайта ишланган деҳқончилик махсулотларини сотишдан олинган даромадлари суммаси. Фуқарода шахсий ёрдамчи ҳўжалиқ мавқудлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномаси билан тасдиқланади;

л) бир йил мобайнида юридик шахслардан олинган энг кам иш ҳақи миқдорининг олти бараварига қадар бўлган суммадаги қимматли соғвалар қиймати, шунингдек халқаро ҳамда республика танлов ва мусобақаларида олинган соврин буюмлар қийматининг суммаси;

м) мерос қилиб қолдириш ва ҳада қилиш натижасида олинган суммалар ва мол-мулк қиймати, фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифларининг меросқўрлари (ҳўқуқий ворислари) оладиган муассаларига ҳақи суммалари бундан мустасно;

н) давлат заёмларининг облигациялари ва лотереялар бўйича ютуқлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари бўйича фоизлар;

о) фуқароларнинг сугурта бўйича оладиган суммалари;

п) бир йил мобайнида берилган моддий ёрдам суммалари;

табиий офатлар, бошқа фавқулодда ҳолатлар муносабати билан берилмаган моддий ёрдам суммалари-тўлалигича;

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзолари билан ҳодима берилмаган моддий ёрдам суммалари-энг кам иш ҳақининг ўн икки бараварига миқдорда;

р) депозит сертификатлари бўйича даромадлар, банклардаги омонатлар ва давлат заксана мажбуриятлари бўйича фоизлар ва ютуқлар. (ЎЗР 30.08.2001 й. 271-II-сонли Қонунига асосан ўзгартирилган киритилган).

с) фуқароларнинг иш ҳақи ва солиқ солинадиган бошқа даромадларнинг давлат корхоналари мол-мулкни сотиб олиш, хусусийлаштирилмаган корхоналар акцияларини сотиб олиш, «Ўзуй-жойжамғармабанк»нинг шахси кўрсатилган уй-жой облигацияларини харид қилишга ва шу мақсадлар учун берилган кредитларни узишга йўналтирилган суммалари, шунингдек дивидендлар тартиқасида олинган ҳамда дивиденд тўлашга юридик шахсининг устав фондига (капиталига) йўналтирилган даромадлар. Маъмур мол-мулк сотилганда илгари солиқ солинадиган овоз қилинган даромадларга умумий асосларда солиқ солинади;

т) патент эгаси бўлган жисмоний шахсининг (лицензиянинг) санюат мулк объектларидан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланишдан ёки фойдаланиш бошланган санадан эътиборан амал қилиш муддати доирасида уларга лицензия

сотишдан, шунингдек лицензиянинг санюат мулк объектларидан фойдаланишдан олинган даромади суммаси;

иштиролар ва селекция ютуғидан фойдалана бошлаган санадан эътиборан-беш йил давомида;

санюат намунасидадан фойдалана бошлаган санадан эътиборан уч йил давомида;

фойдали моделдан фойдалана бошлаган санадан эътиборан икки йил давомида;

у) болалар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳларига, ота-оналарнинг болалари билан дам олишига махсус мўлжалланган санюаторий-курорт муассасаларига бориш учун болалар ва ўсмирларга берилмаган йўлланмалар қийматини, шунингдек ўз ходимларининг амбулатория ёки стационар тиббий хизматдан фойдаланиш қийматини тўлиқ ёки қисман компенсациялаш тартиқида қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўз ходимларига ёки улар учун тўлаган суммалар. Кўрсатиб ўтилган тўловлар жумласига ногиронларнинг соғломлаштириш ва санюаторий-курорт муассасаларига берилган йўлланмалари қийматини, даволаниш ва тиб-

1) тўлалигича: а) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарининг бошқаликлари ва аъзолари ҳамда консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинмаган, дипломатик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

б) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ходимлари ва уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинмаган, дипломатик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

в) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига хизмат кўрсатмаган ходимлар таркиқида қирган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

г) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг уйларида ишловчилар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

д) ҳуқуқмат қарашли бўлмаган халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахслари-агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, ушбу ташкилотларда олинган даромадлари бўйича;

е) Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазириклари, Миллий хавфсизлик хизматининг хорижий хизматчилари, ички ишлар органилари ва бошқо органларнинг олий хизматчилари ва бошқаликлари таркиқида мансуб шахслар, шунингдек ўқув ёки синов йиғинларига қақирлик хизматни ўташ (хизмат вазирасини бажариш) муносабати билан олинган пул таъминоти, пул муқофотлари ва бошқа тўлов суммалари бўйича;

ж) гастрол-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳўқуқини берувчи лицензияси бўлган шахслар гастрол-концерт фаолиятидан олинган даромадлари бўйича;

з) прокуратура органиларининг даража унвонларига эга бўлган ходимлари.

2) қисман, ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорига: а) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттиқоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, унчалла даражадаги Шўҳрат ордени билан тақдирланган шахслар, уруш ноғиронлари ёҳуд 1941-1945 йиллардаги уруш даврида ёки хорижий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ёки шика-

стланиш оқибатида ёҳуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик тўғрисидаги ногирон бўлиб қолган хорижий хизматчилар жумласидан бўлган бошқа ногиронлар, соқиб партизанлар жумласидан бўлган ногиронлар, шунингдек пенсия таъминоти бўйича маъмур тоифадаги хорижий хизматчиларга тенглаштирилган бошқа ногиронлар;

б) хизматни ҳаракатдаги армия таркиқида қирган хорижий қисмлар, штаблар ва муассасаларда ўтаган хорижий хизматчилар, соқиб партизанлар жумласидан бўлиб, фуқаролар уруши ва 1941-1945 йиллардаги уруш, соқиб СССРни химоя қилиш бўйича бошқа жанговар операцияларнинг қатнашчилари, 1941-1945 йиллардаги уруш даври меҳнат фронтининг фақрийлари ва концентрон лагерларининг соқиб ёш тутқунлари;

в) Ленинград қамали пайтида 1941 йил 8 сентябрдан 1944 йил 27 январгача бўлган даврда Ленинград шаҳрида ишлаган фуқаролар;

г) ички ишлар органиларининг бошқаликлари ва олий хизматчилари жумласидан бўлиб, хизмат вазибаларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ва шикастланиш оқибатида ногирон бўлиб қолганлар;

д) болалиқдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари;

е) қаҳрамон оналар, ўн ва ондан ортиқ боласи бўлган аёллар;

ж) соқиб СССРни химоя қилиш ёҳуд хорижий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ёҳуд шикастланиш оқибатида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик тўғрисида халок бўлган хорижий хизматчиларнинг ота-оналари ва рафиқалари;

з) хизматни Афғонистонда ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлақатларда вақтинча бўлган қўшунларнинг қақтинган контингентини таркиқида ўтаган хорижий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига қақирилган хорижий хизматта мажбуриятлари;

и) Чернол АЭСдаги фалокат оқибатида жабр кўрган шахслар;

к) икки ва ондан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар;

л) икки ва ондан ортиқ боласи бор ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эркаклар;

м) болалиқдан ногирон бўлган ва доимий парварошини талаб қиладиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота-онасида бири;

н) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ўқув юртли томонидан қишлоқ ҳўжалиқ ишларига юборилган фуқаролар-ушбу ишларни бажарганлик учун олинган даромадлари бўйича.

Жисмоний шахсларнинг имтиёзларга бўлган ҳўқуқи улар ҳисобот йили учун тегишли ҳўжатларни тақдим этганида вуқудга келади.

Шу боис, имтиёзларни қўллашда юзага келадиган низоларнинг олдини олиш ва тушунмовчиликларнинг келиб чиқилиши бартараф этиш мақсадида жисмоний шахсларга имтиёзларни берувчи ҳўжатларни, даромадга солинадиган солиқ бўйича ҳисоботларни, ҳисоб-китоблар ва даромадлар ҳақидаги декларацияларни амалдаги қонун ҳўжатларида белгиланган тартиқда солиқ органиларига тақдим этиш таъсис этилади.

«ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ. Logo with text: ИШОНЧ НАВ КЕПТЕРИШ, ОДИН ВАКТ, ОДИН ШАҲС.

УМУМИЙ КАСАЛЛИК БЎЙИЧА II ГУРУХ НОГИРОНЛАРИГА ИМТИЁЗЛАР

Саволларингизга ҳўқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради

САВОЛ: умумий касаллик бўйича II гуруҳ ногиронларига қонунчиликда қандай имтиёзлар назарда тутилган?

Солиқ кодексига асосан ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронлари ойлик иш ҳақларидан даромад солиғи тўлашда энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баравари миқдорига овоз этилади.

Г.ҚОДИРОВА, Шаҳрисабз тумани

САВОЛ: Мен яқинда II гуруҳ ногиронлигига чиқдим. Ишдашнинг давом эттирсан пенсияни тўлиқ олиш имкониятига эга бўламани? Бундан ташқари ишлаётган II гуруҳ ногиронларига қандай имтиёзлар бор?

М.ШОМУРОДОВА, Кўнгрот тумани

ЖАВОБ: 1998 йил 28 майдаги Ўзбекистон Республикаси Олий суд пленуми қарорига асосан агар сиз II гуруҳ ногиронлигига чиқиб, яна ишни давом эттирмоқчи бўлсангиз, тиббий меҳнат экспертиза комиссиясидан ишлаб турган вазибаларнинг кейинчалик соғлигингизга салбий таъсир кўрсатмаслиги ҳақида қўшимча тиббий маълумот олишингиз керак бўлади.

Меҳнат кодексининг 220-моддасида ногиронлар меҳнатини муҳофаза қилишнинг қўшимча чоралари белгиланган. Унга қўра ТМЭКнинг ногиронларга тўлиқсиз иш вақти тартиқини ўрнатиш, уларнинг вазибаларини қамайтириш ва меҳнатнинг бошқа шартлари ҳақидаги таъсирларини бажариш иш берувчи учун мажбурийдир.

САВОЛ: агар ходим ўз ҳўқуқини тушунмасдан, иш берувчининг кистови билан ёки бошқа сабабларга қўра ишдан бўшаш аризасини ёзиб берган тақдирда уни қайтариб олиши мумкинми? Агар мумкин бўлса, қанча вақт ичида?

М.ЭРҒАШЕВ, Китоб тумани

ЖАВОБ: амалиётда меҳнат шартномасини бекор қилишнинг энг кўп қўлланиладиган тури, бу ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишдир. Бунинг сабаблари турлича бўлиши мумкин. Масалан: ходимга иш шартининг маъқул келмаслиги, бошқа жойга яшаш учун кўчи кетиши, ўқишга кириши, нафақа ёшига етиши ва ҳоказолар.

МКнинг 99-моддаси 1-қисмига биноан ходим, муайян муддатта тузилган меҳнат шартномасини ҳам (унинг муддати тугамасдан аввал), ноумайян муддатта тузилган меҳнат шартномасини ҳам иш берувчининг бу ҳақда икки ҳафта олдин огоҳлантириб бекор қилиши мумкин. Ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун фақат унинг ёзма равишда ёзган аризаси асос бўлади.

Меҳнат шартномасини МКнинг 99-моддасига асосан бекор қилишда фақат ходимнинг хоҳиши бўлиши талаб этилади. Агар меҳнат шартномасини бекор қилишда ходимнинг хоҳиши эмас, балки уни ариза ёзишга мажбур қилган иш берувчининг ноқонуний ҳаракатлари (алдаш, қўрқитиш, меҳнат шартини бажариш иш берувчи ҳақ тўлашни асоссиз ёмонлаш-

тириш) сабаб бўлган бўлса, меҳнат шартномасини бекор қилиш ноқонуний деб топилади. Худди шундай йўлни суд амалиёти ҳам қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон Олий Суд Пленумининг 1992 йил 13 ноябрдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиши тартиқига солувчи қонунчиликни қўллаш тўғрисида»ги ҳўжжатида меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги низоларни кўришда, судлар меҳнат шартномасини бекор қилишда ҳақиқатда ҳам ходимнинг хоҳиши бўлганини, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг ҳақиқий сабабларини аниқлаш лозимлигини тушунтириб берган.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида ариза берган ходим, огоҳлантириш муддати давомида ўз меҳнат вазибаларини белгиланган тартиқда бажариши, икки меҳнат тартиқи қоидаларига риоя қилиши шарт. Ақс ҳолда иш берувчи унга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартиқда жазо чораларини қўллаши мумкин. Иш берувчининг розилигисиз икки ҳафталик огоҳлантириш муддати тугамасдан ишни ташлаб кетиш меҳнат вазибаларини қўпол равишда бузиш ҳисобланади. Худди шунингдек, иш

ИШДАН БЎШАШ ҲАҚИДАГИ АРИЗАНИ ҚАЙТАРИБ ОЛИШ ҲЎҚУҚИ


Саволингизга ҳўқуқшунос Гофуржон Ғойибов жавоб беради

берувчи ҳам ходимнинг розилигисиз огоҳлантириш муддати тугамасдан меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли эмас. Меҳнат шартномасини бекор қилишда огоҳлантириш муддати ариза берилган куннинг эртасидан бошланади. Масалан, ариза 10 санада берилган бўлса, огоҳлантириш муддати 11 санадан бошланади ва 24 санада, яъни охириги иш кунинда тугайди. Шундай қилиб, ходимнинг хоҳишига қўра меҳнат шартномасини бе-

кор қилиш ёҳуд огоҳлантириш муддати тугаган кунда ёҳуд томонларнинг келишувига қўра ходимнинг аризасида кўрсатилган кунда бекор қилинади. МКнинг 99-моддасига асосан икки ҳафталик огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг меҳнат шартномасини бекор қилинмаган, меҳнат муносабатлари эса давом этаётган бўлса, ходимнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза-си ўз кучини йўқотади ва бу аризага биноан меҳнат шарт-

номасини бекор қилишга йўл қўйилмайди. Меҳнат шартномасини бекор қилиш истогини эса ходим қўшимча ариза ёзиш йўли билан таъкидлаш лозим бўлади. Меҳнат Кодексининг 99-моддасига асосан огоҳлантириш муддати давомида ходим ўз хоҳишига қўра меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризасини қайтариб олиш ҳўқуқи эга. Ходимнинг ёзган аризасини қайтариб олиш ҳўқуқи охириги иш кунини билан қўшиб ҳисобланганда, бутун огоҳлантириш муддати давомида сақлаб қолинади. Ходимга ўз хоҳишига қўра меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризасини қайтариб олиш рад этишга йўл қўйилмайди. Бундай ҳолда меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида буйруқ чиқарилган ёки чиқарилмаганининг аҳамияти йўқ. Ходим огоҳлантириш муддати (яъни, икки ҳафта) давомида ўзи истаган вақт ичида ва ҳеч қандай қаршилиқларсиз ишдан бўшаш ҳақида ёзган аризасини қайтариб олиш ҳўқуқи эга.





Чавандозлик халқимизнинг азалий қадриятларидан ҳисобланади. Тўй-умошлар, Наврўз байрами ва бошқа халқ сайлларида кўпқари мусобақаларини ўтказиш урфга айланган.

Қашқадарёда юрагида ўти, билагида кучи, вужудида ғайрати уриб турган юзлаб доврўкли чавандозлар бор. Чирокчи-ю Яққаб, Шахрисабз-у Ки-тоб, Дехқонобод-у Нишон, Муборақ-у Қосон, Ғузур-у Миришқор, Қасбию Қарши, қисқаси, воҳанинг қайси бир тумани ёки чекка қишлоғига борманг, от спорти ишқибозларини учратасиз.

Ўтган йилнинг декабрида уч кун давомида ўтказилган улоқ-кўпқари бўйича биринчи Ўзбекистон кубоги мусобақалари чавандозлар ва томошабинларда катта таассурот қолдирди. Эр йигитнинг бир муроиди от бўлар. От бўлмаса юрагида дард бўлар.

деб бежиз айтишмаган. Қадимда алп йигитлар она юрти, шаъни, эл-улус орияти учун от чоғиб, кўпқари мусобақаларида улоқ олишган. Қашқадарёликлар умумжамоа ҳисобида учинчи ўрин билан қиёвланишган бўлишса-да, воҳанинг эгичи, доворак, чақон чавандозлари ўзларининг ҳақиқий маҳорат эгалари эканликларини намойиш қилишди. Икки ёшли отлар ўртасида ўтказилган пойга-да Фарҳод Хушвақтос "Бургут" лақабли аргумоғи билан олтин медал соҳиби бўлди.

Буюк жаҳонгир Амир Те-мур бобомизнинг жангу дадалдаги ғалабасининг боис аскарларнинг жасорати, дуддул мисоли аргумоқлар-

нинг чопқирлиги ва рақиб устига тап тортмай бостириб бо-риши бўлган. Жасурлик ва тантлилик тимсоли ҳисоблан-ган от ҳар бир кишининг са-доқати йўдоши ва ҳамроҳи.

Раҳматли Бекмурод ва Элмурод Имомовлар қайси вазифада ишлашмасин от спортига қизиқар эди, - дея эслайди нишонлик чавандоз, миллий кураш бўйича мамла-кат чемпиони Жобир Язданов. - Ҳатто шаҳарда яшаганлари-да ҳам уларнинг ҳовлиларида учқур отлар сақланарди.

Асл касби инженерлик бўлган Собир Раҳимов кўпқа-риларда фаол иштирок этиб, бир неча бор улоқ олган. Қуқушунос Баҳодир Маматқ-улов, доктор Қудрат Бекма-матов, фермер Саид Хатамов каби от ишқибозларини Дех-қонобод ва Нишонда яхши би-лишди.

Қосон туманининг Кўнғир-

тоғ қишлоғида Обиджон Чо-риев деган камтарни, камсу-қум йигит яшайди. Унинг са-ийсхоналарида юзлаб зотдор отлар боқилайти. От спорти фидойиси бекор ётган ерлар-дан 40 гектарини ўзлаштириб обод қилди. Бобур номли йилқичилик фермаси ташкил

Қадриятларимиз

"Тайсон" деб атади ва меҳр билан парваришлай бошлади. Отларнинг дадил харақати, чавандознинг эгичлиги кўпқариларда муваффақият келтирди. Обиджоннинг аргумоқларида от чопган Жа-момхон ва Элмурод чавандоз-лар пойғаларда соврин олиб,

Бир вақтлар қоракўлчи-лик билан шуғулланган "Ни-шон", "Ўзбекистон", "Мубо-рак", "Дехқонобод" каби хўжаликлар яйловларида йилқичилик уюрлари яраб юрарди. Хўжалик раҳбарла-ри, зиротчилар, бригадир-лар от миниб дала айланар эдилар. Ишчи бедовлар қишлоқ йомушларини бажариш ва экинзорлар-ни қўриқлашда энг арзон, қулай транспорт воситаси ўрнини босади. Агар воҳа-даги 17 мингга яқин фер-мер хўжалиқларида камида бир ёки иккитадан от сақ-ланганида келтирадиган фойдасини тасаввур қилиб қўрин-га.

От инсоннинг содиқ дўсти ва ҳамроҳи. Ўзбеклар-нинг наслдор ва кўпқари чопадиган бақувват тўлпо-лари доврўги бутун дунёга кетган. От спортини ривож-лантириш, миллий от ўйин-лари ва мусобақалари уюш-тириш, йилқичилик хўжа-ликлари ва фермерчиликни ташкил этиш давр талаби.

... Кўпқари-улоқ мусоба-қалари давом этмоқда. Ос-мону фалакака чанг-тўзон кўтарилди. Чавандозларнинг қийқириқлари, аргумоқлар кишнаши янгради. Бехитёр халқимизнинг қадимий қўшиғи ёдга тушди:

От чопса гўмбурлар тоғлар дараси,
От чопди мард йигитнинг сараси.

ЁЛҚИН

Хабарлар оқимидан

ПАРДОЗ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти олимлари томонидан яратилган технологиялар «Ўзбекистонсаноати» акци-онерлик компаниясига қарашли корхоналар ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этилмоқда. «Бухоро-текс» ҳиссдорлик жамияти-да эса ипак ва пахта тола-ли аралашма матоларга яқунловчи пардоз бериш технологияси жорий этил-ди.

Ушбу истиқболли техно-логиянинг юзига келишида иқтидорли талаба Музаф-фар Ғафуров ўз излани-ши билан ҳисса қўшди.

Бу тадқиқот «Толали ма-териал ва қоғоз кимёвий технологияси, дизайни» ка-Федраси томонидан тасвир қилинган ушбу битирув ма-лака иши сифатида амалга оширилди.

Шу илмий жараёнда иқтидорли талаба М.Ғаф-уров нитрон толаси чиқин-диларининг гидролизланган намунасининг қатор афзал томонларини ҳам аниқлади.

МАЖМУАНИНГ НАВБАТДАГИ НАШРИ

Низомий номидаги Тош-кент давлат педагогика уни-верситети олимлари та-шаббуси билан қатор ада-бий тўпламлар босмага тай-ёрланмоқда. «Навоийга ар-муғон» деб номланган нашр ҳам шеърят муҳли-ларида қизиқиш уйғотмоқ-да.

Ўзбек шеърятининг буюк даҳоси Алишер Наво-ий таваллудининг 500 йил-лиги муносабати билан ушбу тўпламининг биринчи жилди чоп этилган эди.

Яқинда «Навоийга армуғон»нинг наватдаги тўртинчи китоби босмадан чиқди. Ўзбекистон Фанлар академияси «Фан» нашри-ёти томонидан чоп этилган бу жилдан олий ўқув юрти навоийшунос олимларининг улуг шоирга бағишланган янги тадқиқотлари ўрин олди.

«МАҚР ВА МУҲАББАТ» ЯНА САҲНАДА

Ўзбек академик Миллий драма театри репертуари-да машҳур драматург Шил-лернинг асарлари асосида саҳналаштирилган қатор постановкалар бор. Отаҳон театр ўз муҳлисларини унинг яна бир пьесаси билан хушунд этиш тарадду-дини кўрмоқда.

«Мақр ва муҳаббат» деб номланган янги постановка яқин орада саҳнавий тал-қинини топади. Унда театр-нинг қатор истеъдодли ак-тёрлари катнашди.

Спектаклдаги бош қаҳра-монлардан бири образини эса изланувчан санъаткор Тоҳир Саидов яратмоқда.

А.АЛИЕВ

ОТ ЧОПАДИ АЛП ЙИГИТЛАР САРАСИ

Ўтиб, Жиззах вилоятидан, Қо-зғистон, Қирғизистон, Турк-манистон, Тожикистондан на-слдор биялар олиб келиб, ур-чиғиб кўпайтирмоқда. Ҳозир фермада 150 дан ортқ йил-қи ва аргумоқлар боқилап-ти.

— Отга муҳаббат менга Чори бобомдан ўтган, - дей-ди Обиджон фахр билан, - Бувамнинг «Оқуш» лақабли туллори доврўги Марказий Осиё мамлакатлари чавандоз-лари орасида маълум ва маш-хур бўлган.

Чори бобонинг содиқ не-вараси Обиджон ёнига кеска чавандозларни олиб, бозор-ма-бозор от излашга тушди. Чирокчидан харид қилган зу-луддек қоп-қора қашқа ар-гумоқни "Рембо", Яққабнинг Сад қишлоғидан олган бақу-ват, қўрақлари кенг бедовни "Корабль", "Чиял" хўжалиги-дан сотиб олган аргумоқни

элга машҳур бўлишди. Қани энди, Обид Чориевдек фи-рдоий инсонлар кўпайса, ав-лод-аждодларимизнинг қад-имий касби йилқичилик ривож топган бўлармики?

Дарҳақиқат, вилоятда чор-вачиликнинг бошқа тармоқ-лари қатори йилқичиликнинг тараққиёти йулида дастлаб-қи қадамлар қўйилди. Иш-лаб чиқилган дастурга муво-фиқ "Хисор" ширкат хўжали-ғи "Яққаб-Қорабайир" масъулияти чекланган жами-ятга айлантирилди. Зотдор, наслдор отларни кўпайти-риш, от гўшти этиштириш, бия сутидан шифобахш қимиз тайёрлашни йўлга қўйиш чора-тадбирлари қаршишти. 369 бош йилқи парваришланган хўжалик-да 2010 йилга бориб, йилқ-илар сонини 624 бошга, на-слдор бияларни 270 бошга етказиш мўлжалланган.

Эттиб, Жиззах вилоятидан, Қо-зғистон, Қирғизистон, Турк-манистон, Тожикистондан на-слдор биялар олиб келиб, ур-чиғиб кўпайтирмоқда. Ҳозир фермада 150 дан ортқ йил-қи ва аргумоқлар боқилап-ти.

— Отга муҳаббат менга Чори бобомдан ўтган, - дей-ди Обиджон фахр билан, - Бувамнинг «Оқуш» лақабли туллори доврўги Марказий Осиё мамлакатлари чавандоз-лари орасида маълум ва маш-хур бўлган.

Чори бобонинг содиқ не-вараси Обиджон ёнига кеска чавандозларни олиб, бозор-ма-бозор от излашга тушди. Чирокчидан харид қилган зу-луддек қоп-қора қашқа ар-гумоқни "Рембо", Яққабнинг Сад қишлоғидан олган бақу-ват, қўрақлари кенг бедовни "Корабль", "Чиял" хўжалиги-дан сотиб олган аргумоқни

Умид юлдузлари

БЎЛАЖАК ЧЕМПИОНЛАР



Ўзбек диёри иқтидорларга бой. Бу-ғунги кунда юртимиз фарзандлари ҳар соҳада ўз билим ва қобилиятларини на-мойиш этяпти. Ёшларга ҳўрсатилаёт-ган эътибор ва яратилаётган қўлай шар-оитлар тўғрисида йанги-янги чемпи-онлар етишиб чиқаётди.

Қўқонлик спортчилар Алёр Норули-ев ҳамда Сардор Жалиловлар ана шун-дай қобилият соҳибларидир. Улар ша-ҳардаги 1-умумтаълим мактабида таълим оладилар. Алёр беш йилдан буён каратэ билан шуғулланиб келаётган бўлса, жа-моадoshi олти йилдан буён каратэга ошно.

Биз улар шуғулланаётган "Ўз-ка-ратэ" спорт клубига таширф биурганимиз-да мураббий 100 дан ошқк ёшлар билан машғулотлар ўтказибётган экан. У биз-ни Алёр ва Сардор келажакда ҳам маш-ғулотларга зўр берсалар, улардан Осиё ва жаҳон чемпиони чиқишига ишонаман. Умуман улардаги каратэга бўлган катта иштиёқ менда шундай фикр уйғотади. Ҳар иккиси ҳам республикадаги тенгқур-лари ичиде энг кучли ҳисобланади.

Дарвоқе, Алёр ва Сардор 2005 йил "ЖАР" спорт мажмуиде ўтказилган Ўзе-бекистон чемпионатида тенгқурлари ора-сида ғолибликни қўлга киритди. Энди Алёр Кипр давлатида бўлиб ўтадиган жа-ҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳўймо қилади.

— Мақсадим жаҳон чемпиони бўлиш, - дейди Алёр Норулиев. - Бу йўлда усто-



зим раҳбарлигида тинимсиз шуғуллани-шим лозимлигини яхши тушунаман. Жа-ҳон чемпионатидан ёрғуз юз билан қай-тишни орзу қиламан.

Орзуга айб йўқ, дейдилар. Биз ҳам ёш иқтидор эгалари Алёр Норулиев ҳамда Сардор Жалилов жаҳон майдонларида за-фар қўчишлариغا ишонгимиз қилади.

З.БОЛТАБОВ

Энг мурасисиз спорт тури, бу боксдир. Ҳатто куч-лар тенг келганда ҳам рақиблардан бири албатта ғалаба қозониши керак. Боксчилар бир-бирларини ҳар қанча ҳурмат қилмасин, зарбага зарба билан жавоб қайтаришга мажбур. Бу эса баҳсининг қизи-қарлигини таъминлайди. Бошқа спорт турларида, ҳу-сусан футболда ҳам ана шундай кескинликни қўри-ни хоҳлашимиз аслида шундан.

Лекин футболнинг ўзи-гагина хос жиҳатлари кўп. Ютуққа олиб борувчи йўл ҳам тамомила бошқача. Шиддат ва иштиёқ ўз йўли-га, ҳар қандай ҳолатда асабларни жиловлай билиш

БАЪЗИДА НИМАДИР ЕТИШМАЙДИ. САБАБ?



даркор. Афсуски, миллий чемпионатимизнинг ўзинчи туринда "Пахтакор" жамоаси айнан ўзига ортқ даража-да эрк бериб юборганилиги боис, айтиш мумкинки, би-ринчи давранинг энг прин-ципал учрашувида мағлу-биятга учради. Юрий Сар-қисян шогирдларини ўйин-га пухта ҳозирлай олгани ўз самарасини берди. Жа-моа гарчанд кичик - 1:0 ҳисобида ғалаба қозонган эса-да, мўҳим уч очко со-ҳибига айлибди, "Пахтако-р"ни мураккаб аҳволга со-либ қўйди. Бу мамлакат чемпионининг иккинчи мағ-лубияти ва эътиборли жи-ҳати, жамоа чемпионлик учун бевосита даявогарлар билан учрашувларда имкон даражасида ҳаракатлана олмайпти.



Қаршида "Насаф"дан 3:2 ҳисобида мағлубият. Муборақда "Машъал" билан нурсиз дуранг (0:0), мана энди Фар-ғонада "Нефтчи" кўйган тўсқидан ошиб ўта олмас-лик қўшилиб, "Пахтакор" ҳақидаги тасаввурларни бир мунча ўзгартириб юборди.

Table with 7 columns: Турнир, ЖД, В, М, Т-Н, О. Rows list various football teams and their statistics.

МАТБУОТ МУЗЕЙИ

Ҳозир дунёнинг етти мамла-катда оммавий ахборот воси-талари музейлари фаолият кўрсатмоқда. Бундай музейлар-дан яна бири Қорёнда ташкил топади. Бу ерда 10 миңдан ор-тқ экспонат намоиши қўйил-моқда. «Газета тарихи», «Мўҳим тек-ширувлар», «Медиа тарихи» де-ган заллари эса нодир экспо-натларга бой. Улар жаҳон мат-буотининг тарихи ва буғунга доир маълумотлар ҳақида ҳўжа қўлади. «Медиа» зали музейга келувчиларда катта қизиқиш уй-ғотади. Бу ерда унта катта экран ўрнатилган бўлиб, улар орқали ҳаттоки буғунги нашрларгина эмас, балки 2050 йилда чиқари-лиши кўзда тутилган газеталар-нинг андозалари лойиҳалари ҳам тасвирлаб берилди.

бундай ҳолатга тушиб қолган-ли ҳар бир муҳлиси хаво-тирга солиши табиий. Эҳти-молки, термаимизнинг муваф-фақиятсизлигини ҳам "Пахта-кор" жамоаси тушиб қолган буғунги вазиятдан келиб чи-ққан ҳолда баҳолаш лозимдир? Эҳтимолки, терма жамоамиз мутасаддилари "Пахтакор" фут-болчиларига ортқ ишониб

Кўни кеча оромгоҳ очил-ишига бағишланган тад-бирда иштирок этган бо-лалар гулхан атрофида тўпландилар. Оромгоҳ раҳбари Тўлқин Тилово-в ҳамда меҳмонлар келажак-нинг эгаларини янги мав-сум билан табриқладилар. Тадбирда кичкинтойлар

Ватан, юрт ҳақидаги шеър-лишга бағишланган бирга қўшиқлар ижро этишди. Куй-қўшиқ кечгача давом этди. Келажакимиз эгаларини ҳар томонлама етук бўлиб тарбияланишида оромгоҳ-даги маънавият ва маъри-фат хонаси замонавий қилиб жиҳозланган бўлиб,

бу ерда мумтоз адабиётим-из намояндаларининг су-ратлари ва уларнинг асар-лари ўрин олган. Буюк ке-лажак сари деб номланган бўлимда мустақиллигимиз солномаларидан ҳўжоя

Ўзги соғломлаштириш

ри ташиқий тузилмаси ҳақида маълумотлар берил-ган. Болаларнинг ҳар томон-

— Мақсадимиз Сихат-са-ломатлик йилида кичкин-тойларнинг ёзги соғлом-лаштириш мавсумини му-

ваффақиятли ўтказиб, уларнинг ҳар томонлама мароқли дам олишларини ташкил қилишдан иборат, - дейди оромгоҳ бош етакчиси Ўктам Қўйилев.

ҲОМИЙЛАР КЎМАГИДА

Ш.СУЛТОНОВ, "Ишонч" муҳбири

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) "Ишонч-Доверие", Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Газета 1991 йил 21 мартдан чиқиб бoшлаган

Максимум: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.